

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ДИЛШОД МАДЖИТОВИЧ

**САГИТТАЛ ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ, ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримов Дилшод Маджитович

Сагиттал тиш-жағ аномалияларини эрта аниқлаш
тамойиллари ва профилактикаси, ташхислаш
ва даволашга ёндашув 3

Каримов Дилшод Маджитович

Принципы раннего выявления и профилактика
сагиттальных зубочелюстных аномалий,
диагностика и подход к лечению 23

Karimov Dilshod Madjitovich

Principles of early detection and prevention sagittal
dental anomalies, diagnosis and treatment approach 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ ДИЛШОД МАДЖИТОВИЧ

**САГИТТАЛ ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ, ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib405 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsdj.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбари: **Гулямов Суръат Саидвалиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Супиев Турган Курбанович (Қозоғистон)**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймуродов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Евдокимов номидаги Москва тиббий**
стоматология университети (Россия).

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.П.Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Тиш-жағ тизими меъёрий шаклланишига салбий таъсир қилувчи омилларни ўз вақтида бартараф этиш замонавий ортодонтия амалиётидаги долзаб муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра “тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлиги ўртача 50% ни ташкил этади”.¹ АҚШ Стоматология Миллий институти маълумотига кўра, умумий аҳолининг 40% ида тишлар ривожланиши аномалиялари ва жағлар шаклланишининг турли бузилишлари кузатилади. Бунда 15% аҳолида уларни бартараф этиш учун жарроҳлик амалиёти зарур бўлади. Юқори ва пастки жағ ҳаддан ортиқ ўсиб кетиши билан ёндош келадиган тишлов аномалиялари ва юқори жағ тиш-альвеоляр тизими олд ҳолатини ташхислаш ва даволашда самарали натижага эришиш мақсадида максимал яқин ёндашувларни ишлаб чиқиш ортодонтия беморларини даволашда барқарор эстетик натижаларни қўлга киритишга ва қайталанишларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бинобарин, тиш-жағ тизимининг меъёрий шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни замонавий усулларда бартараф қилиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида ўсиб келаётган болаларда тишлов аномалияларининг яширин шакллари башоратлаш ва эрта аниқлаш, ҳамда ташхислаш ва даволаш тадбирлари самарадорлигини оптималлаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ҳар йили тиш-жағ аномалиялари шаклланган ва барқарор шакллари бўйича даволаниш учун ортодонтга мурожаатлар ортиб бормоқда, бу асосан ўсмирлар ва ўрта ёшдаги шахслар бўлиб, улар ички мотивация туфайли мурожаат қиладилар, бу эса даволашнинг давомли ва самарали бўлишини таъминлайди. Бироқ бемор ҳошишининг ўзи камлик қилади, бу патологияда ортодонт шифокорлар учун ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Дунё бўйича мазкур патология тури билан боғлиқ морфофункционал ва эстетик бузилишларнинг бартараф этилиши ортодонтиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тубдан янгиланган ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чоралар белгиланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда “...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза ва ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш...”² каби вазифалар юклатилган. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Сагиттал тиш жағ аномалияларда клиник кечишини эрта ташхислаш ҳамда

¹ ЖССТ 2017 йилги ҳисоботлари, Женева, 2007

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини яна ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида беморлар саломатлигини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Соғлиқни сақлашнинг самарали модели жорий этилди ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Амалга оширилган тадбирлар туфайли клиник-рентгенологик ташхислаш тизими юқори даражага кўтарилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида ортодонтик аномалияларнинг юзага келиши ва уларни эрта ташхислаш, даволашга янгича ёндашувларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон Қарорида ва ушбу фаолиятига тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқот и муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимларининг фикрига кўра, тиш-жағ аномалиялари инсон организмнинг умумий ва маҳаллий касалликларига таъсир қилади ва чайнов аппарати, нафас олиш, нутқ ва ютиниш каби функцияларнинг бузилишига олиб келади (А.А. Мамедов., Е.С.Адмакин., Л.С. Персин., 2016). Чайнаш функцияси, жағлар ва тишлов (тишларнинг жипслашуви) нинг тўғри шаклланишига таъсир этувчи чуқур морфофункционал ўзгаришлар туфайли сагиттал тиш-жағ аномалияларининг яширин шакллари эрта ташхислаш ва уларни ўз вақтида олдини олиш, ҳамда даволаш муаммоси шубҳасиз катта амалий аҳамият касб этади (Томас Ракоши, Г.М. Graber, 2012).

Бу патологияга бемор юзининг ноэстетик кўриниши, бўртиб чиққан ёки ичкарига ботиқ профил, нуқсонли табассум, жағлар орасида сагиттал ёрик, нутқ бузилиши ва оғиздан нафас олиш, юқори жағ тубининг кичрайиши, тор готик танглай ва нотўғри тишлов хосдир. Мазкур патология тури скелетал ёки дента-альвеоляр табиатга эга ва яхши самара олиш учун унинг турига мувофиқ даволаш талаб этилади. Қониқарли, эстетик ва функционал натижага эришиш учун шифокор ортодонт ташхис маълумотларини аниқ таҳлил қилиши, мазкур патологиянинг барча морфологик структураларига эътибор қаратиши керак ва даволаш босқичларини режалаштиришда ортига қайтариб бўлмас хатоликларга йўл қўймаслиги зарур.

Кўпгина тадқиқотлар шуни курсатадики, тиш-жағ аномалияларини учраши кўрсаткичи беморнинг ёшига боғлиқ, чунки айрим муаллифлар курсаткичлари бўйича алмашинув тишлов даврининг дастлабки даврида 7-10

ёшда ўсиб боради (Малыгин Ю.М., Анюхина А.В., 2004). Шуни инобатга олиш керакки, кўпинча ўсмирлар ва катта ёшдаги беморлар ортодонтик даволашдан нафақат функционал максимум самара олишни хохлашади, балки максимал эстетик натижани ҳам кутишади, бу эса уларнинг атроф муҳитдаги рухий-ижтимоий ўрниларига таъсир кўрсатади (Г.Б.Оспанова, 2000; Т.М. Graber, 2000; И.А. Рублёва, А.Б. Слабковская, Л.С. Персин).

Юқорида айтилган юқори ва пастки жағ ҳаддан ортиқ ўсиб кетиши билан ёндош келадиган тишлов аномалиялари ва юқори жағ тиш-альвеоляр тизими олд ҳолатини ташхислаш ва даволашда самарали натижага эришиш мақсадида максимал яқин ёндашувларни ишлаб чиқиш заруриятига гувоҳлик қилади. Мазкур патология тури билан боғлиқ морфофункционал ва эстетик бузилишларнинг бартараф этилиши ортодонтиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703 - сонли «Болалардаги асосий стоматологик касалликларнинг олдини олиш чора тадбирлари» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2019 йй).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда тишлов аномалияларининг эрта яширин шакллари башоратлаш ва аниқлаш, ҳамда даволаш-олдини олиш тадбирларини самарадорлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тишловнинг сагиттал тиш-жағ аномалиялари бўлган беморларда тиш-жағ тизимининг эрта клиник-рентгенологик аломатларини аниқлаш;

сагиттал аномалиялар эрта яширин шакллари янги цефалометрик кўрсаткичлари ёрдамида аниқлаш;

бош цефалограммасининг латерал проекцияси ёрдамида ривожланиб келаётган тиш-жағ аномалияларини таҳлил қилиш;

стандарт цефалометрик ўлчамлар ёрдамида таклиф этилган янги цефалометрик ўлчов усулини ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

сагиттал аномалиялари бўлган болаларда даволаш-профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти билан тузилган шартнома асосида 2- болалар стоматологик поликлиникаси, Барча миллатлар стоматологик маркази ва “Дента плюс” хусусий клиникаларидан 6-18 ёш оралиғидаги сагиттал тиш-жағ аномалиялари аломатлари бўлган 90 нафар болалар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сагиттал тиш-жағ аномалиялари ривожланиб келаётган мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни цефалометрик, ортопанорам рентген суратлари ҳамда юқори ва пастки жағ боиметрик моделлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда умум қабул қилинган клиник, биометрик, фотометрик, телерентгенограмма,

ортопантомограмм, компьютер 3D суратлари, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сагиттал тиш-жағ аномалияларининг эрта аломатлари бўлган болаларда клиник ва рентгенологик ташхислашни клиник ва рентгенологик параллель асосида башорат қилишнинг ретромоляр соҳадаги альвеоляр ўсиқ шакли, панорам рентген суратида пастки биринчи ва иккинчи озик тиш ёриб чиқиш даражаси, сут тишларнинг кеч емирилиш ҳолатлари қуринишида енгиллаштирилган услуби ишлаб чиқилган;

юқори 4- тиш куртаклари алмашинув тишловдаги цефалограмма суратида “стресс” Се – Sm ўқиға нисбатан куртакнинг мезиал, дистал ёки нормал холда жойлашув ўзгаришлари белгиланган;

стандарт цефалометрик улчамлар ёрдамида таклиф этилган юқори 4 тиш куртакларига нисбатан алмашинувчи тишловдаги цефалограмма суратида “стресс” Се – Sm ўқиға нисбатан куртакнинг жойлашув ўлчов усули ҳақиқийлиги асослаб берилган;

цефалометрик таҳлиллардан олинган ишончлилик маълумотларига асосланган ҳолда болалар тиш-жағ тизими сагиттал аномалияларини эрта даволаш услубиёти беморнинг ёшиға нисбатан ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар ва ўсмирлар орасида клиник ва рентгенологик маълумотлар эрта кўрсаткичлари алоҳида аҳамият қасб этиши исботланган;

жағ сагиттал аномалиялари беморларини текшириш учун алгоритми таклиф этилган;

тиш-жағ аномалияларини ташхислаш ва даволашнинг индивидуал услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган клиник ва ускунавий тадқиқотлар, ҳамда беморларнинг етарлича миқдори, болалар тиш-жағ тизимларининг сагиттал аномалиялари ривожланишидаги ташхислаш ва прогностик мезонларнинг мукамаллиги, статистик таҳлилнинг асосли услублари тўплами билан тасдиқланди; олинган натижалар ҳорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг қиёсланишиға асосланган; диссертациядан олинган хулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти алмашинувчи тишловнинг морфологик ўзгаришлари такдим этилиши билан ифодаланади, бу ўзгаришларнинг индивидуаллиги жағ-юз соҳаси кўрсаткичлари ва тиш ўлчамларининг хусусиятлари, жумладан, макро, микро ва нормодонтизм белгиланиши асосланган, бу вазият тиш-жағ аномалиялари бўлган болаларни текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш негизига олинган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, сагиттал аномалиялар бор бўлган беморларда аномалиянинг оғир даражаси ривожланишини олдини

олиш мақсадида клиник ва рентгенологик кўрсаткичлари ёрдамида эрта аломатларини ташҳислаш ва комплекс даволаш усулини тавсия этилишидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар тишловининг сагиттал аномалиялари эрта яширин шаклларини башоратлаш ва аниқлаш, ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирлари самарасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болалар тишлови сагиттал аномалияларини ташҳислаш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 мартдаги 8н-д/98 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болаларда тишлов аномалияларининг яширин шаклларини эрта босқичларда ташҳислаш сифати ошишига ёрдам берган;

“Сагиттал аномалиялари бўлган болаларда даволаш-профилактика чора-тадбирларини оптималлаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 мартдаги 8н-д/99 – сонли маълумотномаси). Услубий қўлланма ушбу патологиянинг қайталаниш ҳолатларини 3 маротабага қисқартириш имконини берган;

олинган илмий натижалар болаларда тишлов аномалияларининг эрта яширин шаклларини башоратлаш ва аниқлаш тамойиллари, ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларининг асосланиши соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стоматология поликлиникаси, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси ва Болалар 3-сон стоматология поликлиникаси амалиётида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 8н-д/63 – сон маълумотномаси). Татбиқ қилинган натижалар касаллик қайталаниши 6,7% ҳолатларда, қиёслаш гуруҳида эса – 20,0% да кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та журнал мақола, шундан 3та мақола республика ва 1та мақола ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 варақни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган,

олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сагиттал тиш-жағ аномалиялари шаклланиши муаммосининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва ҳорижий адабиётлар асосида сагиттал тиш-жағ аномалиялари шаклланиш муаммосининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди. Мазкур патология ривожланишининг тиббий-ижтимоий ва морфологик аломатлари ҳақида илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Касалликнинг этиопатогенези, ташхислаш, клиникаси ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари, таққослаш ташхиси, профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Мавжуд бўлган ташхислаш ва даволаш услублари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари таърифланган.

Диссертациянинг **“Тишлов сагиттал аномалияларида болаларни текширишга услубий ёндашув”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг тавсифи келтирилган, бунда клиник материалнинг умумий тавсифи, аниқлаш услубиёти, ўтказилган терапиянинг самарадорлик мезонлари ва тадқиқотнинг асбобли услублари хусусидаги.

Тадқиқот асосига алмашинувчи тишлов (6-12 ёш) ва доимий тишлов (13-18 ёш) давридаги 90 нафар беморга доир текширув маълумотлари олинди, уларнинг ўртача ёши $13,4 \pm 0,3$ ёшни ташкил этди. Текширилган барча болаларнинг 52 нафарида дистал тишлов (57,8%), 38 нафарида (42,2%) мезиал тишлов кузатилди. Текширилаётган гуруҳлардаги беморларида олинган натижаларни қиёслаш мақсадида 19 нафар ортогнатик тишловли болалар назорат гуруҳини ташкил этилди.

Ташхис беморларнинг клиник, рентгенологик текширувлари анамнез маълумотлари йиғиндиси бўйича ва ташхис қўйиш мезонларига мувофиқ ўрнатилди.

Клиник текширув қуйидагилардан иборат бўлди: сўров, юз ва оғиз бўшлиғини кўриш. Бунда этиологик ва патогенетик омиллар аниқланди, улар сагиттал текисликда тишлов бузилиши юзага келиши ва ривожланишига сабаб бўлган. Юз кўригида чап ва ўнг томонларнинг симметриклиги, бурунлаб ва ияк бурмалари ифодаланиши, пастки жағ физиологик тинч ҳолатида лаблар ёпилишига эътибор қаратилди.

Морфологик ва функционал бузилишларга алоҳида эътибор қаратилди, бундай бузилишлар фронтал соҳада юқори ва пастки жағлар тиш қаторлари оралиғи пайдо бўлиши, унинг пастки қисми баландлиги пасайишига олиб келади.

Калла суяги юз қисми тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва беморлар ортодонтик даволаниши натижасида калла суяги юз қисми сагиттал ўлчамлари ўзгаришларини аниқлаш мақсадида бемор бошининг ёнбош телерентгенограммаси ўрганилди.

Жағлар моделлари клиник текширувлар, антропометрик ўлчашлар ва ёнбош проекцияда олинган калла ТРГ таҳлили асосида ташхис қўйилди ва даволаш режаси белгиланди.

Ортодонтик даволаш ҳорижий ишлаб чиқарувчи фирмаларини огиз ташки ускуналари, брекет-тизимлари асосида эджуайс-техникани қўллашдан иборат бўлди. Тиш қаторлари коррекцияси Roth тизими тўғри ёй техникаси (straight-wire technique) амалга оширилди. Гипс моделларда назорат қилинадиган ускуна коррекцияси натижалари тиш қаторлари тишлови аномалияларини бартараф этиш жараёнини тугатиш ва ортогнатик тишловни шакллантириш имконини белгилаб берди.

Дистал тишлов кузатувдаги 1-гурух беморларини даволаш босқичлари:

1. Эрта алмашинувчи тишлов - 6-9 ёш:

- Миобрейс;
- бўйин боғлами;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси.

2. Кечки алмашинувчи тишлов – 10-13 ёш:

- бўйин боғлами;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- тишларни олиб ташлаш орқали брекетлар тақиш:

3. Доимий тишлов – 14-18 ёш.

- бўйин боғлами;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- тишларни олиб ташлаш орқали брекетлар тақиш.

Дистал тишлов кузатувдаги 2-гурух беморларини даволаш босқичлари:

1. Эрта алмашинувчи тишлов - 8-12 ёш:

- Френкель функция регулятори;
- илмоқли бош тепа қисми шапкаси;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси.

2. Кечки алмашинувчи тишлов – 12-14 ёш:

- илмоқли бош тепа қисми шапкаси;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- юқори биринчи премолярларни олиб ташлаш ва брекетлар тақиш.

3. Доимий тишлов 14-18 ёш:

- илмоқли бош тепа қисми шапкаси;
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- юқори биринчи премолярларни олиб ташлаш ва брекетлар тақиш.

Мезиал тишлов кузатувдаги 1-гурух беморларини даволаш босқичлари:

1. Эрта алмашинувчи тишлов - 6-9 ёш:

- Миобрейс;
- Делер юз ниқоби (face mask);
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси.

2. Кечки алмашинувчи тишлов – 10-13 ёш:

- Делер юз ниқоби (face mask);
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- пастки иккинчи молярлар ёки биринчи премолярлар тиш куртагини олиб ташлаш ва брекет тақиш.

3. Доимий тишлов – 14-18 ёш:

- Делер юз ниқоби (face mask);
- юқори жағни тез кенгайтириш ускунаси;
- пастки биринчи премолярларни олиб ташлаш ва брекет тақиш.

Мезиал тишлов кузатувдаги 2-гурух беморларини даволаш босқичлари:

1. Эрта алмашинувчи тишлов - 8-12 ёш:

- ияк прошаси;
- Френкел функцияси регуляторлари;
- қиялик текисликли пластинка;
- Делер юз ниқоби (face mask);

2. Кечки алмашинувчи тишлов – 12-14 ёш:

- ияк прошаси;
- Френкел функцияси регуляторлар;и
- Делер юз ниқоби (face mask);
- пастки биринчи премолярларни олиб ташлаш ва брекет тақиш.

3. Доимий тишлов – 14-18 ёш:

- ияк прошаси;
- Делер юз ниқоби (face mask);
- пастки биринчи премолярларни олиб ташлаш ва брекет тақиш.

Олинган натижаларга ўрта арифметик (М), ўрта квадрат оғиш (σ), стандарт хатолик (m), нисбий катталиклар (частотаси, %) ҳисоби орқали статистик таҳлилнинг амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришларни $P < 0,05$ ишончлилик даражаси билан қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Тишлов сагиттал тиш-жағ аномалиялари бўлган беморларда тиш-жағ-юз тизимининг эрта клиник-морфологик аломатлари”** деб номланган учинчи бобида тишлов ТЖА бўлган болаларнинг клиник-ташхислаш тавсифи келтирилди.

Клиник тадқиқотга кўра, 79 нафар бемор (87,8%; 79/90) аввал ортодонт-шифокори қабулида кузатилмагани ва фақат 11 нафари (12,2%; 11/90) диспансер ҳисобда бўлгани аниқланди. Бунда беморлар олиб қўйиладиган ортодонтик ускуналарни қўладилар, бироқ турли сабабларга кўра даволаш тугатилмаган эди.

Тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлиги доимий тишловга нисбатан кўпроқ алмашинувчи тишловда учрайди (42,2% кўрсаткичга қарши 57,8%), бироқ статистик таҳлил шуни кўрсатдики, мазкур фарқлар ишончли эмас ($P > 0,05$). Тиш қаторлари ва альвеоляр ўсиқларнинг ҳолатини баҳолашда тиш ёйлари (юқори ва пастки) шакли ўзгариши аниқланган. Асосан қуйидаги аномал шакллар кўпроқ учраган: юқори жағда - V-симон ва трапециясимон, пастки жағда – трапециясимон шакл.

Тишлов ҳолати кўригида аниқланишича, 42,2% болаларда дистал тишлов, 57,8% болаларда – мезиал тишлов мавжуд 1-жадвал .

1-жадвал

Беморнинг ёшига боғлиқ бўлган болалар тишлови ҳолати

	6-10 ёш (n=17)		10-13 ёш (n=41)		14-18 ёш (n=32)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Дистал тишлов (n=52)						
Протрузия мавжудлиги (n=33):	4	23,5	13	31,7	16	50
Юқори фронтал тишлар протрузияси	3	17,6	8	19,5	10	31,3
Пастки фронтал тишлар протрузияси	2	11,8	5	12,2	6	18,8
Ретрузия мавжудлиги (n=19):	2	11,8	9	22,0	8	25,0
Юқори фронтал тишлар ретрузияси	1	5,9	4	9,8	4	12,5
Пастки фронтал тишлар ретрузияси	1	5,9	5	12,2	4	12,5
Мезиал тишлов (n=38)						
Протрузия мавжудлиги (n=23):	7	41,2	11	26,8	5	15,6
Юқори фронтал тишлар протрузияси	3	17,6	6	14,6	2	6,3
Пастки фронтал тишлар протрузияси	1	5,9	5	12,2	3	9,4
Ретрузия мавжудлиги (n=15):	4	23,5	8	19,5	3	9,4
Юқори фронтал тишлар ретрузияси	2	11,8	3	7,3	1	3,1
Пастки фронтал тишлар ретрузияси	2	11,8	5	12,2	2	6,3

Изоҳ: * - болалар ёш миқдоридан фоизли нисбати

Шу билан бирга болаларда ёшига боғлиқ нисбий фарқлар кузатилди, бунда 6-9 ёшдаги болаларда юқори ва пастки фронтал тишлар протрузиялари 13-18 ёшдаги болаларга нисбатан 1,3 мартага кўпроқ учраган (31,3% кўрсаткич 18,8% га қарши). Юқори ва пастки фронтал тишлар ретрузиялари 14-18 ёшдаги болаларда энг кўп учраган (12,5% кўрсаткичи 12,5% га қарши). Бироқ бу маълумотлар статистик аҳамиятли бўлмади.

Беморларнинг тиш ёйи деформацияси, тишлови кўриниши ва ёшига боғлиқ маълумотлар таҳлилида хос қонуният аниқланди, маълумотлар 2 жадвалда тақдим этилган.

6-12 ёшдаги болаларда 51,3% ҳолатда тиш ёйининг трапециясимон деформацияси кузатилган, 13-18 ёшдаги болаларда эса ярим эллипссимон кўриниш аниқланган (51,5%). Пастки жағни кам ривожланишида 6-12 ёшдаги 11 нафар бола орасида 8 нафариди (72,7%) тиш ёйининг трапециясимон деформацияси кузатилган, 3 нафариди эса (27,3%) ярим эллипссимон; 13-18 ёшдаги беморларда тиш ёйининг трапециясимон деформацияси 5 (55,6%) нафариди кузатилган, 4 (44,4%) нафар болада эса ярим эллипссимон деформация аниқланган. Юқори жағни кўп ривожланган ҳолатида тиш ёйининг V-симон ва трапециясимон деформациялари аниқланган. Бунда тиш ёйининг V-симон деформацияси иккала ёш гуруҳида бир хил юқори частотада кузатилган (72,7% ва 63,6% мос равишда).

Пастки жағни кам ривожланишида 100% ҳолатда тиш ёйининг трапециясимон деформацияси кузатилди. 6-12 ёш ва 13-18 ёшдаги беморларда юқори жағни кам ривожланишида аксарият ҳолларда тиш ёйининг V-симон деформацияси аниқланган (66,7% ва 58,8% мос равишда).

Тиш ёйи деформацияси буйича беморларни тақсимланиши

Нозологик шкиллари	Тишлар ёйининг деформация турлари											
	V симон (n=33)				Трапеция симон (n=39)				Полуэлипс симон (n=18)			
	6-12 ёш		13-18 ёш		6-12 ёш		13-18 ёш		6-12 ёш		13-18 ёш	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Дистал тишлов (n=42)												
Пастки жағни кам ривожланганлиги (n=20)	-	-	-	-	8	72,7	5	55,6	3	27,3	4	44,4
Юқори жағни кўп ривожланганлиги (n=22)	8	72,7	7	63,6	3	27,3	4	36,4	-	-	-	-
Мезиал тишлов (n=48)												
Пастки жағни кўп ривожланганлиги (n=19)	-	-	-	-	9	100	10	100	-	-	-	-
Юқори жағни кам ривожланганлиги (n=29)	8	66,7	10	58,8	-	-	-	-	4	33,3	7	41,2
Жами*	16	48,5	17	51,5	20	51,3	19	48,7	7	38,9	11	61,1


Эслатма: * - тиш ёйи деформациясига эга булган болалар сонининг фоизи

Ортогнатик тишловда “пастки олд тишларнинг юқори тишлар томонидан беркилиши тиш тож қисмининг баландлигининг 1/3 қисмигача бўлиши керак” деган таъриф энг кўп тан олинган таъриф ҳисобланади. А.С. Щербакова фикрига кўра, бу катталик ўртача $2,7 \pm 0,1$ мм ни ташкил этади.

Чуқур тишлов 41,1% болаларда пастки жағни кам ривожланиши ва юқори жағни кўп ривожланиши бир хил частотада белгиланган (90% ва 86,4% мос равишда). Тескари фронтал тишлов фақат мезиал тишловда аниқланган, бунда пастки жағни кўп ривожланишида 31,6% ҳолатда.

Дистал тишлов 52 нафар болаларнинг 32 нафарида протрузия кузатилган ва 76,2% ни ташкил қилган, пастки жағни кам ривожланишида эса 70% ҳолат, юқори жағни кўп ривожланишида – 81,8% да кузатилган. Ретрузиялар 23,8% ҳолатда аниқланган 1-расм.

Мезиал тишловли 38 нафар бемордан 20 нафарида протрузиялар аниқланди, бу 47,9% ни ташкил этди, ретрузиялар эса 18 нафар болада (52,1%) қайд этилган. Бироқ юқори жағни кам ривожланишида протрузиялар пастки жағни кўп ривожланишига нисбатан кўпроқ учраган (58,6% кўрсаткичи 68,4% га қарши, мос равишда). Тишнинг тиш қаторидаги оптимал жойлашувга мувофиқ бўлмаган жойлашуви аномалия деб ташхисланади. Доимий тишларнинг жойлашув аномалиясига нисбатан сут тишлари жойлашуви аномалиялари камдан кам учрайдиган ҳолатдир.



1-расм. Текширувдаги болаларда протрузиялар ва ретрузияларнинг тарқалганлик частотаси

Марказий чизиқнинг ўнг томонга силжиши 6-12 ёшдаги 43 нафар боладан 5 нафарида кузатилган (11,6%), чап томонга силжиш 4 болада аниқланган (9,3%). 13-18 ёшдаги беморларда марказий чизиқнинг силжиши 59,6% (28 бола) да кузатилган, бунда чап ва ўнг томонга бир хил частотада эканлиги маълум бўлди.

Беморлар профили таҳлилида биз томонимиздан 6-12 ёшдаги болаларнинг аксариятида юзнинг дўнг профили аниқланган, бу ҳолат пастки жағни кам ривожланишида ҳам, максиляр прогнатияда ҳам бир хил частотада бўлган.

Пастки жағни кўп ривожланишида ва юқори жағни кам ривожланишида 6-12 ёшдаги болалар орасида тўғри ва ботиқ профил аниқланган. Дистал тишловли 13-18 ёшдаги болаларда барча ҳолларда дўнг профил кузатилган, мезиал тишловда эса ботиқ профил аниқланган.

Оғиз ички фотосуратлари таҳлилида биз томонимиздан пастки жағ ривожланишининг куйидаги хос хусусиятлари маълум этилди. 6-12 ёшдаги 39 нафар болада пастки жағнинг ретромоляр соҳасининг ўзига хос хусусиятлари кузатилди, улардан 19 нафарида альвеоляр қирранинг торайиши кузатилган бўлса, 20 нафарида эса ретромоляр соҳанинг дўнглиги аниқланган. Натижада беморлар тиш қаторларида жой танқислиги ёки ортиқчалиги ҳақида маълумотлар олинди. Пастки жағ жой танқислигида ретромоляр юзанинг альвеоляр қирраси шакли, иккинчи молярларнинг чиқиши кам ифодаланган ва тор бўлади.

9 ёшгача бўлган умумий кўриниш бўйича альвеоляр ўсиқнинг чўққиси қанчалик қалин бўлса, иккинчи молярнинг куртаги чиқиши шу қадар яқин бўлади, шу тариқа, клиник сурат шуни кўрсатадики, пастки жағ ҳаддан ортиқ ўсган ва пастки жағнинг кенг апикал асоси мавжуд 2-расм.



2-расм. Пастки иккинчи молярларнинг вақтидан аввал чиқиши, натижа – пастки жағнинг ҳаддан ортиқ ўсиши (бемор 11 ёшда).

Шу тариқа, таҳлил қилинган ортопантомограммлар сонидан аксарияти иккинчи молярларнинг кеч ёриб чиқиши 12-14 ёш оралиғида, эрта ёриб чиқиши эса 8-11 ёш оралиғига тўғри келган. Пастки жағ иккинчи молярлари кеч ёриб чиқиши вазияти ёш катталашган сайин оғирлашиб боради. Беморнинг қанчалик ёши катта бўлса, тишлов аномалиясининг ривожланишини шу қадар бартараф этиш қийин бўлади, аксида эса бунга тескари ҳолат кузатилади. Мезиал тишловнинг огиз ташки ускуналари ва брекет-тизими ёрдамида замонавий даволаш услуби шуни кўрсатдики, мезиал тишлов ташхисли ўсмирларда кичик инвазияли амалиётлар фақат ёлгон прогенияда имконлидир.

Мезиал тишлов ривожланишининг бошқа сабаблари орасида қуйидагиларни белгилаш зарур: онанинг ҳомиладорлик вақтида касал бўлиши, туғруқда шикастланиш, жағлар орасидаги суякнинг ривожланмай қолиши, юқори жағ соҳасидаги адентия, юқори тишларни йўқотиш ёки ретенцияси, пастки жағ соҳасида ўта зич тишлар, тишларнинг кеч алмашиниши, болаларнинг турли касалликлари, тил юганчасининг қисқариши, сут тишлари дўнглариининг нотекис ейилиши ҳамда юқори ва пастки жағлардаги тишларнинг норавон алмашиниши, тишлар жойлашуви аномалиялари, ютинишнинг инфантил тури, нутқ вақтида тил артикуляциясининг бузилиши. (3-расм).



3-расм. Тишлов аномалияси билан кечадиган тиш қаторлари ёпилиши бузилиши: пастки жағнинг ҳаддан ортиқ ривожланиши ва юқори жағнинг ривожланмай қолиши билан юзага келадиган мезиал тишлов ва қозиқ тишлар дистопияси

Тишлов бўйича молярларнинг сагиттал текисликдаги мезиал ёпилиши (50% - 25та бемор), Энгел бўйича молярлар нейтрал ёпилиши (50% - 25та бемор) устувор бўлган. Ёнбош қисмда палатинал тишлов 20 нафар беморда (40%), вестибулооколюзия – 11 нафар беморда (22%) аниқланган.

Тишларнинг трансверзал текисликда бузилиши тиш қаторлари мезиал тишловининг 62% ҳолатида ташхисланган. Фронтал бўлимида курак тишларнинг тескари нисбати 23 нафар беморда (46%), сагиттал номувофиклик 10 нафар беморда (20%), тўғри тишлов 2 беморда (4%) ташхисланган.

Дистал тишловда 50% ҳолатларда пастки жағ текислиги Франкфурт горизонталига нисбатан кичрайиши уйғунлиги учраган (25,43 % дан 25,27%, FMA). Юқори ва пастки жағлар жойлашуви бузилиши ва уларнинг нисбати орасида фарқ (79,7%-80,1%, SNA, 78,2%-78,8% SNB). Дистал тишловда пастки жағнинг даволашдан кейинги ўзгаришлар кўрсаткичи 112,7%-116,4% ни ташкил қилди. (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилган беморларнинг цефалометрик тадқиқотлари натижалари

	Меъёр	Даволашгача	Даволашдан кейин
FMIA	67±0,01	63,23±1,17	65,30±1,31
FMA	25±0,01	25,43±0,83	25,27±0,41
IMPA	88±0,02	89,27±1,26	88,37±0,73
AO-BO	2±0,0 мм	0,88±0,99	1,59±0,40
SNA	79±0,01	79,77±0,79	80,13±0,53
SNB	77±0,01	78,15±0,61	78,80±0,45
ANB	2±0,0	4,93±1,19	3,57±0,72
Effec.max.lenght	85±0,01	93,03±1,25	94,42±1,09
Effec.mand.lenght	105±0,01	112,69±1,61	116,37±0,90
Upper Pharynx	8,58±0,65	8,78±0,61	8,58±0,65
Lower Pharynx	11,23±0,50	12,25±0,65	11,23±0,50

Юз юмшоқ тўқималари профилини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили тиш қаторларининг мезиал нисбатида бурун-лаб бурчаги катталашуви (15,79%), унинг диста нисбатда камайиши (25%), юмшоқ тўқималарнинг дўнглик бурчаги камайиши ва юз профилининг дўнглиги камайишини (33%) кўрсатди.

Юқорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда, ишонч билан айтиш мумкинки, мезиал тишловни ташхислашнинг замонавий услублари 3D

реконструкцияли мультиспирал компьютер томографияси бўлиб, ўсмирларда янглиш прогенияда мезиал тишлов жарроҳлик амалиётисиз даволаниши мумкин.

Цефалометрик сурат ёрдамида юқори жағ биринчи премоляр муртагининг миграциясини аниқлаш. Бимлера аниқлашича агар боланинг юз-жағ сохаси хар томонлама яхши ривожланган булса, доимий шакилланган ортогнатик тишловда “стресс ўқи” юқори жағнинг биринчи премоляр ўқи бўйлаб тушади. Агар ёриб чиқилган биринчи премоляр “стресс ўқ”га нисбатан олдинда жойлашса, бу ҳолда биринчи премолярларни о ташлаш кўзда тутилган, орқа ҳолатда жойлашган ҳолати эса юқори жағни кам ривожланишидан далолат берган.



Расм. 4. Цефалограмма сурати ёрдамида юқори жағ биринчи премоляр муртагини кўчишини аниқлаш (норма)



Расм. 5. Преоляр муртагини антро ҳолат жойлашуви: бемор 7 ёшда.



Расм. 6. Преоляр муртагини ретро ҳолати жойлашуви: бемор 9 ёшда.

Цефалометрик сурат ёрдамида юқори жағнинг биринчи премоляр тишларини муртақларини аниқлаш. Сагиттал аномалияларининг эрта клиник белгаилари бўлган 6 ёшдан 9 ёшгача бўлган 16 болаларда текширувлар ўтказилган. Натижада 7 та болада премоляр муртагини антро жойлашуви аниқланган, бу ҳолат юқори жағнинг кўп ривожланиш эрта яширин белгиси ёки юқори жағ тиш муртақларининг эрта миграциясидан далолат беради.

9 та болада юқори жағ биринчи премоляр муртақларининг ретро жойлашув ҳолати аниқланган, бу эса ўз навбатида юқори жағнинг кам ривожланиш яширин белгиси, юқори жағ чайнов тиш муртақларининг дистал жойлашуви ёки пастки жағни кўп ривожланганлигидан далолат беради.

Компьютер томография суратлари ёрдамида тишларнинг макон тартибини бир-бирига нисбатан баҳолай оламиз. Бу ҳолатда бошқа ён тишларининг илдизларига ва бошқа анатомик структураларга зарар

етказмаслик учун, тўғри вектор танлаш учун, қайси тиш юза ёки чуқур жойлашганлигини аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг **“Сагиттал тишлов аномалиялари бўлган болаларда даволаш-профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобда коррекциянинг тавсия этилган услублари самарадорлигининг таҳлили келтирилган.

Болалар ва ўсмирларда ўтказилган даволаш чора-тадбирлари жараёнида Энгл I синфи бўйича биринчи молярлар нейтрал нисбатига эришилди. Даволаш якунлари баҳоланганда марказий чизикнинг юқори ва пастки тишлар орасига мос келиши, курак тиши бурчагининг 118° чегарасида шаклланиши ва юқори курак тишларининг пастки курак тишлар баландлигининг 1/3 қисми беркилиши кузатилди.

Бемор ва бемор ота-онасининг ўтказилган даволашдан ўта мамнунлиги даволаш якунларини ижобий баҳолашга имкон берди. Тиш қаторларининг физиологик тишловини шакллантириш самарадорлигини оширди. Олинган натижалар 4 - жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тиш-жағ тизими ҳолатининг даволаш жараёнидаги динамикаси

Даволаш муддатлари	Физиологик тишлов				Шаклланиш босқичидаги аномалия				Шаклланган патология			
	асосий гуруҳ		қиёсий гуруҳ		асосий гуруҳ		қиёсий гуруҳ		асосий гуруҳ		қиёсий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Даволаш бошланиши	0	0	0	0	13	52	11	44	12	48	14	56
1 йилдан сўнг	15	60	11	44	8	32	8	32	2	8	6	24
2 йилдан сўнг	23	92	17	68	1	4	6	24	1	4	2	8
6 йилдан сўнг	24		19		1		7		1		7	

Кузатувимизнинг бир йилидан сўнг, биз иккинчи гуруҳда – бўйин боғлами ва ечилмайдиган ортодонтик ускуна қўллаган болаларда физиологик тишлов сони кўпайганини қайд этдик. Икки йилдан сўнг, иккинчи гуруҳ болаларида даволаш самарадорлиги энг юқори нуқтасига етди. Бироқ мазкур кўрсаткич қиёслаш гуруҳининг аналогик кўрсаткичларидан аҳамиятли фарқланган.

Фаол даволашнинг 24 ойдан сўнг, нотўғри тишлов асосий гуруҳда 90% га тўғриланди, қиёсий гуруҳида эса 78% ҳолатда тўғриланди. Беморлар профили яхшиланди, жағлар ораси эгрилиги тўғриланди. Юқори жағ ўз табиий жойини эгаллади.

Асосий гуруҳнинг 23 нафар бемори (92%) ва қиёсий гуруҳнинг 20 нафар бемори (80%) цефалометрик суратларида жағларнинг тўғри йўналишдаги ўсиши аниқ кўринган (4 расм).

Даволашнинг икки йилдан кейинги натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳнинг 92% беморида тишлов барқарорлиги, ва юз профили эстетик ҳолатда сақланиб қолган. Қиёсий гуруҳда барқарорлик 68 % болада сақланиб қолган.

Шу тариқа, II синфи бўйича ўсиб келаётган беморларда ортодонтик даволашнинг самарадорлиги ўсиш йўналиши ва даволаш вақтини муносиб танлашга боғлиқ бўлади. Шу сабабли, аниқ ташхисни эрта қўйиш, скелет номуатносибликлари даражасини эрта аниқлаш ва шунга кўра бемор учун мос даволаш режасини тузиш муҳим ҳисобланади.

II синфи ёки жағлар ораси эластикларининг бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин ва юз-жағ ўсиши йўналишининг ўзгаришига ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари, олд тишларнинг эришилган тўғри ёпилиши юқори тишлар ва жағнинг олд жойлашувида пастки жағнинг ўсишига ҳам фойда келтирди.



4-расм . Дистал тишловда беморининг оғиз ички фотосуратлари: (а) даволашгача, (б) даволашдан кейин, (с) даволашдан 7 йил сўнг

Ўтказилган тадқиқотнинг таҳлилига кўра, асосий гуруҳ беморларнинг 94 % ҳолатида даволашдан яхши натижалар олинган, қониқарли натижалар 6% ни ташкил қилган, салбий натижа 0% га тенг бўлган, қиёсий гуруҳнинг мос равишдаги кўрсаткичлари 68%, 24% ва 8% га тенг бўлди. Асосий гуруҳ беморларида даволаш самарадорлигининг 3 қарра ортиши аниқланган.

Кузатувимиз давомида динамикада асосий гуруҳ беморларида касаллик қайталаниши 6,7% ҳолатда (3 нафар бемор) учраган бўлса, қиёсий гуруҳда эса 20,0% (9 нафар бемор) ни ташкил этган.

Тавсия этилган услубнинг иқтисодий самарадорлиги мазкур патологиянинг қайталаниш ҳолатлари қисқаришидан иборат. Демак, агар асосий гуруҳда даволашга сарф-харажатлар 1 500 000 сўмни ташкил қилган бўлса, қиёсий гуруҳда – 4 500 000 сўмни ташкил қилган. Болаларда тишловнинг сагиттал аномалияларини даволаш натижасидаги қайталаниш частотаси қисқариши харажатларнинг деярли 3 мартага пасайишига олиб келади.

Шу тариқа, тиш қаторларининг дистал тишловини даволаш жараёнида юқори жағ учун бўйин боғлами, миобрейс аппарати билан ечилмайдиган юқори жағни кенгайтирувчи аппарат маълум тишларни олиб ташламай қўллашни тавсия қилувчи даволаш услуби юқори тиш қаторини кенгайтириш ва бир вақтда пастки жағни конструктив тишлов ҳолатида ўрнатиш имконини беради.

ҲУЛОСА

1. Болаларда сагиттал тиш аномалияларини эрта ташхислашнинг цефалометрик кўрсаткичлари даволашни тўғри режалаштириш ва барқарор узоқ муддатли натижага эришишга ёрдам беради. Эрта ташхислаш ва даволаш ёрдамида эстетикада салмоқли натижаларга эришиш мумкин.
2. Таҳлил қилинган ортопантограммалар суръатидан пастки жағ иккинчи молярларнинг кеч чиқиши аксарият 12-14 ёшда кузатилган, эрта чиқиши 9-11 ёшни ташкил қилган. Пастки жағда иккинчи молярларнинг кеч чиқиши туфайли тишлар зичланишининг оғирлик даражаси ёшга боғлиқ равишда ортиб боради. Беморнинг ёши ошиб боргани сари тишлов аномалиялари ривожланишини олдини олиш қийинлашади, ва аксинча.
3. Тиш қаторларининг дистал тишловини даволаш жараёнида юқори жағ учун бўйин боғлами, миофункционал аппаратлар билан ечилмайдиган юқори жағ кенгайтирувчи аппаратлар маълум тишларни олиш ва олиб ташламай қўллашни тавсия қилувчи даволаш услуби юқори тиш қаторини кенгайтириш ва бир вақтда пастки жағни конструктив тишлов ҳолатида ўрнатиш имконини беради.

4. Тавсия этилган услубнинг иқтисодий самарадорлиги мазкур патологиянинг қайталаниш ҳолатлари 3 мартага қисқариши билан изоҳланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КАРИМОВ ДИЛШОД МАДЖИТОВИЧ

**ПРИНЦИПЫ РАННЕГО ВЫЯВЛЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКА
САГИТТАЛЬНЫХ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ,
ДИАГНОСТИКА И ПОДХОД К ЛЕЧЕНИЮ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Tib405

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz. и в Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу: www.ziyo.net

Научный руководитель:

Гулямов Суръат Саидвалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Супиев Турган Курбанович (Казахстан)
доктор медицинских наук, профессор

Боймуродов Шухрат Абдужалилович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Московский медико-стоматологический университет им. А.И. Евдокимова (Россия)

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Тошкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № _____). (100047, г. Тошкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(протокол рассылки № ___ от _____ 2019 года).

Ж.А. Ризаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.П. Камилов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней при научном совете, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Распространенность зубочелюстных аномалий по данным ВОЗ в среднем составляет не менее 50% (ВОЗ, Женева, 2007)¹. По данным Национального института стоматологии США 40% всего населения имеют аномалии развития зубов и различные нарушения формирования челюстей. Причем, у 15% этих лиц для их устранения требуется оперативное вмешательство. Весьма актуальными являются вопросы своевременного устранения и ликвидация факторов, отрицательно воздействующих на нормальное формирование зубочелюстного комплекса. С этих позиций представляется перспективным изучение диагностических и лечебных мероприятий, направленных на повышение качественных показателей ортодонтической помощи детям. Разработка наиболее максимально близкого подхода к диагностике и лечению аномалий окклюзии для достижения приемлемого результата, сочетающихся с чрезмерным ростом верхней или нижней челюсти и переднем положение зубоальвеолярного комплекса верхней челюсти будет способствовать получению стабильного эстетического исхода при лечении и избежать рецидивов. Следовательно, современные методы устранения факторов, влияющих на нормальное формирование системы зубочелюстного комплекса является актуальной.

В мире проводится широкий круг научных исследований по прогнозированию и выявлению ранних скрытых форм аномалии окклюзии у растущих детей, а также по оптимизации эффективности диагностических и лечебных мероприятий, существующие методы диагностики уже недостаточны, возникла настоятельная необходимость в дополнительных методах исследования. Ежегодно увеличивается спрос на ортодонтическую помощь, большинство случаев обращаются люди в подростковом и взрослом возрасте у которых имеется внутренняя мотивация на получение ортодонтической помощи, что делает лечение длительным и эффективным. Тем не менее, для достижение максимальной цели не достаточно иметь внутреннюю мотивация, так же требуется высокое профессиональность от врача ортодонта. Устранение морфофункциональных и эстетических нарушений, обусловленных этим типом патологии, является актуальной проблемой ортодонтии.

В этом плане выполнены широкоплановые программные мероприятия. Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы, для дальнейшего улучшения оказания медицинской помощи населению поставлены важные задачи, направленные на «...повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения»². Были определены меры, направленные на улучшение медицинского обслуживания населения. Улучшение здоровья пациентов имеет решающее значение в раннем выявлении клинического течения окклюзионных аномалий и

¹ Всемирное организация здравоохранения, Женева, 2007

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

внедрении инновационных технологий в предоставлении качественной медицинской помощи.

Была внедрена эффективная модель здравоохранения и достигнуты положительные результаты. Благодаря принятым мерам система клинической и радиологической диагностики поднялась на высокий уровень. В то же время в системе здравоохранения существует ряд проблем. Среди них - возникновение ортодонтических аномалий и их ранняя диагностика, а также внедрение новых подходов к лечению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан: №ПП-2650 от 2 ноября 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны материнства и детства в Узбекистане на 2016-2020 годы», №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «Пять приоритетных направлений стратегии Действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы». №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V-«Медицина и фармакология».

